SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 22-IYUL ■ SESHANBA ■ 85 (27.105) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

«ТЎПОЛАНГГЭС»: БИРИНЧИ НАВБАТ — ЙИЛ ОХИРИГАЧА

Тўполанг — Сурхон воҳасидаги серсув, сердолға, (номи ҳам айтиб турибди) дарёлардан бири. Мустақиллик йиллари ана шу «тўполон»чи оқим куч-қудратини яхшилик ва эзгулик сари буриш йўлида бу ерда (Сариосиё туманидан ўтувчи қисмида) бошланган ГЭС қурилиши кун сайин жадал тус олмоқда. Аниқ белгиланган режага кўра, унинг биринчи навбати шу йилнинг охирида ишга туширилади. Нурхона тўла қувват билан ҳаракатга келгач эса мамлакатимизга энг арзон электр қуввати бера бошлайди. Ҳозир бу ерда замонавий русумда — иккита 72,5 ва иккита 15 меговатли агрегатлар монтаж қилинмоқда.

— «ТўполангГЭС» қудратли энергия ўлкаси бўлиб бораётган Ўзбекистонимизнинг таянч нурхоналаридан бирига айланадиган кунлар яқин, — дейди иншоот қурилишини олиб бораётган «ТўполангсувГЭСқурилиш» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг бош муҳандиси Мурод Тожиддинов. — Ҳозир унинг объектларида бизнинг мингдан ортиқ қурувчиларимиз билан бирга республикамизнинг ўндан ортиқ қурилиш ташкилоти бунёдкорлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Умиджон САТТОРОВ

❖❖❖

Суратларда: «ТўполангсувГЭСқурилиш» очиқ акциядорлик жамиятининг илғор электр-пайвандчиси Амирулло Саидов (ўнгда); ГЭС қурилишидан лавҳалар.





Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори

2003 йилнинг I ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида барқарор иқтисодий ривожланиш тенденцияси давом этди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, тўлов интизоми ошди, умуман иқтисодиётнинг ва унинг айрим соҳаларининг мутаносиблиги кучайди.

Ялпи ички маҳсулот (103,8%), саноат (105,5%) ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (103,8%), истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (104,0%) ва пулли хизматлар ҳажми (104,4%) ўсиши таъминланди. Аҳолининг иш билан таъминланганлиги ўсишининг барқарор тенденцияси сақлаб қолинди — 102,8 фоиз. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз профицит билан бажарилди.

Пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар инфляция суръатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда, у биринчи ярим йилликда 2002 йилдаги 14,4 фоиз ўрнига 4,2 фоизни ташкил қилди.

Жорий ярим йилликда тижорат банкларининг жами капитали 32 фоизга кўпайди, кредитларнинг қайтарилиши яхшиланди. Банк тизимига ишонч ошди — аҳолининг депозит ҳисоб рақамларидаги омонатлари 44 фоизга кўпайди.

Валюта сиёсатини янада эркинлаштириш соҳасида жиддий силжишга эришилди, валюталарнинг алмашув курслари унификациясига амалда эришилди, биржадан ташқари ва параллель валюта бозорлари курслари ўртасидаги тафовут бартараф этилди.

2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида 698 корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Хусусийлаштиришдан тушган жами маблағ 22,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Қимматли қоғозлар иккиламчи бозори айланмаси ярим йиллик мобайнида 1,5 баравардан кўпроқ ошди.

Жорий йилда янгидан 27,7 минг микрофирма, кичик ва ўрта корхона ташкил этилди, бунинг натижасида 211,4 минг янги иш ўрни барпо этилди. Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга 104,6 млрд.сўм, шу жумладан ўз ишини янгидан бошлаётган тадбиркорлар учун бошланғич сармояга 1,7 млрд.сўм йўналтирилди.

Ҳозирги вақтда кичик ва ўрта тадбиркорлик улушига ялпи ички маҳсулотнинг 34 фоизи тўғри келади ва иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 56 фоизи ушбу секторда меҳнат қилмоқда.

Ташқи савдо фаолиятида ижобий силжишлар рўй бермоқда — ташқи савдо айланмаси ярим йиллик мобайнида қарийб 23 фоизга, шу жумладан экспорт 41 фоизга ўсди, тайёр маҳсулотлар экспорти 1,6 баравар кўпайди. Ташқи савдода 530 млн. АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди.

Фермер хўжаликларини устувор ривожлантириш таъминланмоқда. Ҳисобот даврида зарар кўриб ишлаган 178 та қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида 11 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил қилинди. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш бўйича ҳисоб-китоб қилиш тизими ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш тузилмаси такомиллаштирилмоқда.

Иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришлар инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига чуқурлашди. Иқтисодиётга капитал қўйилмалар ҳажми 2,6 фоизга ўсди. Барча инвестицияларнинг 60 фоизидан кўпроғи ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди. Ярим йиллик мобайнида 200 млн. АҚШ долларидан кўпроқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори ўтган йилдагига нисбатан 1,9 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, якунлар таҳлили ҳали ҳам кўпгина заҳиралар ҳамда имкониятлардан ва энг аввало, яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланилмаётганлигидан далолат бермоқда, хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалигида ва капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнлари суст бормоқда.

(Давоми 2-бетда.)

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЭГАСИДАН ОЛИНИБ... ЭГАСИГА СОТИЛГАН МОЛ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2003 йил 12 июнь сонида чоп этилган «Эгасидан олиниб... эгасига сотилган мол» мақоласида қайд этилган ҳолат юзасидан Ички ишлар вазирлиги ходимлари томонидан атрофлича хизмат текшируви ўтказилди.

Текширув мобайнида Навоий вилояти ИИБнинг айрим ходимлари томонидан ножўя хатти-ҳаракатлар содир этилгани қисман ўз тасдиғини топганлиги учун уларга нисбатан қаттиқ интизомий чоралар кўрилиши билан бир қаторда, келгусида шунга ўхшаш ҳолатлар ички ишлар идоралари ходимлари томонидан содир этилишининг олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Газетада қайд этилган, фуқаро А.К. Асадовнинг молмулкини гўёки арзон нархда сотилганлиги ҳолати юзасидан 2003 йил 14 апрель куни Навоий вилояти прокуратураси томонидан Навоий вилояти баҳолаш комиссияси аъзоларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Айни вақтда мазкур жиноят иши бўйича Навоий шаҳар прокуратураси ходимлари томонидан тегишли тергов ҳаракатлари олиб борилаётганлигини маълум қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб бўйича махсус Инспекция бошлиғи Ш. ИНОҒОМОВ»

Диққат: «Сиртқи қабул соатлари»

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚЎМИТАСИ РАИСИ КОМИЛ ЮСУПОВ ЖАВОБ БЕРАДИ

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш орқали баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, миллат саломатлигини мустаҳкамлашга тобора катта эътибор берилмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб бизда жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида қонун қабул қилинди, соғлом авлод фонди ва соғлом авлод ордени таъсис этилди. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди. Футбол, теннис, сузиш, кураш, бадиий гимнастика сингари спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ўтган йилнинг октябрь ойида «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» Президентимиз Фармони эълон қилинди. Бугун болалар спортини, оммавий спортни ривожлантириш бўйича жойларда ишлар қизғин кетмоқда...

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича давлат дастури ижроси қандай бормоқда? Асосий ютуқларимиз нималардан иборат? Қандай муаммолар ишимизга ҳалақит бермоқда? Жойларда болалар спортини, умуман спортни ривожлантиришга қандай эътибор берилмоқда? Сиз яшайдиган маҳалла, қишлоқ ва туманда қандай муаммолар бор? Табиийки, спорт мутахассислари ва мухлисларини шу каби саволлар қизиқтиради.

Спорт аҳли диққат марказида турган яна бир масала — бу келгуси йили Греция пойтахти Афинада бўладиган ёзги олимпия ўйинлари ҳозир дунё спортининг энг нуфузли мусобақаси ҳисобланган ушбу ўйинларга йўлланмалар учун кураш бошланди. Ўзбекистон спортчиларининг бу галги ниятлари қандай?..

Спорт мавзуида сизни қизиқтирган барча саволларга давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комилжон Юсупов жавоб беради. Айни чоғда бу масалада сизнинг фикр ва мулоҳазаларингизни ҳам эшитади.

Демак, саволларингизни, таклиф ва мулоҳазаларингизни (хат, шошилинчнома, телефон қўнғироқлари орқали) 1 августгача кутамиз.

Мурожаат учун тел. 133-65-45, 133-21-43

ҚАШҚАДАРЁ ХИРМОНИ

«Ғалла-2003»

Ҳудуди тоғу тошдан иборат, шароити хийла оғир Деҳқонобод туманида бу йил ҳам давлатга 9 минг тоннага яқин дон сотилди. Ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 13, айрим жойларда 16 центнерни ташкил этди. Бу — нафақат воҳада, балки мамлакатимизнинг ламмикор ерларида етиштирилган яхши дон ҳосили...

Умуман, қашқадарёлик ғаллакорларнинг илми ҳам, тажрибаси ҳам, юракдаги қўри ҳам уларнинг бу йилги уйган хирмонларида ўз аксини топди. Ҳозиргача 230 минг гектар (бунинг 140 минг гектари суғориладиган) майдонлардаги ғалланинг 80-82 фоизигина ўриб олинган бўлса-да, давлатга 365 минг тонна дон сотилиб, шартномавий режа ошириб адо этилди. Шу жумладан, 45 минг тонна уруғлик дон ҳам тайёрланди.

Мавсумда Қарши тумани меҳнаткашлари бу йил ҳам пешқадамлик қилдилар. Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Муборак туманларида ўрим намунали уюштирилди. Жами доннинг 39 фоизи фермер хўжаликларида етиштирилди. Миришкор туманидаги «Исмоилбобо» фермер хўжалиги ҳосилдорликни 93, Қарши туманидаги «Зайнабби» фермер жамоаси 78 центнерга етказдилар. Ўнлаб моҳир пудратчи деҳқонлар гектарига 60-70 центнердан ҳосил тўплашди. Айни кунларда ерларни шудгорлаш ва янги мавсумга тайёрлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ГУМОН

Зинҳор яқинларинг бўлмасин нодон,
Бўлмасин фаҳмсиз, таъмагир шайтон.
Сен бирор мансабда ўтирган бўлсанг,
Улар сени бой деб қилмасин гумон.

Абдулла ОРИПОВ,
2003 йил 3 июль.

Қонун ва ижро

ҚУРИЛИШДАГИ ТАЛОН-ТОРОЖЛИКЛАР

Сирдарё вилояти прокуратураси томонидан қонунчилик ижроси бўйича ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 20 та жиноят иши қўзғатилиб, бошқарув органларига 14 та тақдимнома киритилди. 8 нафар шахс маъмурий, 4 таси моддий жавобгарликка тортилди. Ғайриқонуний қабул қилинган ҳужжатларга нисбатан 4 та протест келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони нафақат бу соҳа, балки бошқа тармоқларнинг ҳам ривожини таъминлайди. Қолаверса, ҳар бир қад рослаган муҳташам бино, заводу фабрикалар давлатимизнинг қудратига қудрат қўшади. Жаҳон ҳамжамияти олдидаги мавқеини янада юксалтиришга имконият яратади.

Бобомиз Амир Темур ҳам ўз вақтида «Қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурган иморатларга боқ» деган эдилар. Демак, бу соҳага ёлғон, ўзибўларчилик, қаллоблик аралашмаслиги керак.

2-бет

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — МИЛЛАТ ҒУРУРИ, МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Қорақалпоқ қизи **Фазу ШЕРЖАНОВА** 1984 йилда Кегейли туманида таваллуд топган. У ёшлигидан халқ эртакларига, достонларига, ривояту афсоналарига меҳр қўйиб улғайди. Қорақалпоқ, ўзбек, қолаверса, жаҳон халқлари адабиёти дурдоналарини севиб мутолаа қилди.

Жажжи қиз юрагида туғён ураётган ҳислар аста-секинлик билан дастлабки наср намуналарига айланди. Муаллимлари Фазудаги истеъдод қирраларини англаб, унинг машқларига алоҳида эътибор қаратдилар. Фазунинг мақолаю ҳикояларини ўқисангиз юртга, атрофдаги одамларга муҳаббати яққол сезилиб туради. Унинг «Қайлардасан, онажон», «Ой чиққан кеча», «Ишонч», «Гуноҳ» «Тулпор» каби ҳикояларида асосан қорақалпоқ замини, унинг кенгликлари, танти ва очиққўнгил инсонлари тасвирланади. Орол муаммолари, экологик офат, тоза ичимлик суви ҳақида ёшлар қалбида она табиатга шафқат руҳини уйғотиш илинжида қалам тебратади. Унинг асарлари «Қорақалпақстан жаслари», «Жеткиншек», «Устаз» газеталари ҳамда «Амударё» журналида чоп этилган.

Кегейли туманидаги қурилиш касб-ҳунар коллежи 3-курс талабаси Фазу Шержанова 2003 йилда адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Фазу астойдил меҳнат қилса, ўқиб-ўрганишни жиддий давом эттирса, ижоднинг машаққатларидан чўчимаса келажакда яхши ёзувчи бўлиб етишади, деган умиддамиз.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

БИЗНЕС БАНК ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

BUSINESS BANK

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори

2003 йилнинг I ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Корхоналарни хусусийлаштиришнинг қабул қилинган дастурини бажариш ишлари етарли суръатлар билан олиб борилмаяпти. Ярим йиллик мобайнида «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясида атиги 2 та объект, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясида 3 та, Матбуот ва ахборот агентлигида 4 та ва Халқ таълими вазирлигида 8 та объект хусусийлаштирилган. Ушбу иш Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида суст олиб борилмоқда.

Хусусийлаштириш жараёнларига, энг аввало, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тизимидаги йирик корхоналарни ва бошқа кўплаб корхоналарни хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларининг аҳволи қониқтирмайди.

«Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси (21,6%), «Ўзфармсаноат» давлат концерни (22,4%), «Ўзпахтасаноат» уюшмаси (23,9%), «Файз» холдинг компанияси акциядорлик жамияти (40%), «Ўзбекенгилсаноат» компанияси (40,3%), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (40,5%) ва «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси (40,9%) маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг белгиланган прогнозларидан орқада қолишга йўл қўйишди. 33 лойиҳани амалга ошириш бошланмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида маҳаллий бюджетларга даромадлар тушумининг прогноз параметрлари бажарилишини таъминламадилар.

Қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини кенгайтириш ишлари етарли олиб борилмаяпти.

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ниҳоятда суст бормоқда — танлов савдолари ўтказишда қонун бузилиши, қурилиш қийматининг ошириб юборилиши ҳоллари мавжуд, лизинг ва лойиҳа-инжиниринг хизматлари кўрсатиш тизими ривожланмаяпти.

Бошқарув тизимида маъмурий-буйруқбозлик усуллари, бюрократизм, корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашиш ҳамон сақланиб қолмоқда. Кўплаб амалда фойдаланилмайдиган ҳисобот маълумотлари йиғилмоқда. Барча даражалардаги давлат, тармоқ ва худудий бошқарувнинг мавжуд тизими ўтказилаётган иқтисодий ва демократик ислоҳотлар йўлида кучли тўсиқ бўлмоқда.

2. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари биринчи ярим йилликда минтақаларда, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши якунларини ўн кун муддатда танқидий кўриб чиқсинлар, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маърузасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг:

«Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон;

«Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сон;

«Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон фармонларида қўйилган вазифалар рўёбга чиқарилишини таъминловчи зарур чора-тадбирлар комплексини амалга оширсинлар.

3. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган ҳужжатларнинг амалга оширилиши мониторинги бўйича махсус Ҳукумат комиссияси (Р.С.Азимов ва К.Н.Тўлаганов) қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Ҳукумат қарорларининг ижроси бўйича ишларнинг аҳволини яна бир марта танқидий таҳлил қилсин, 2003 йил учун белгиланган топшириқлар ва параметрларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсин. Ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси мажлисига хусусийлаштириш, иқтисодиётда хусусий секторнинг ролини янада ошириш, қишлоқ хўжалигида ва капитал қурилишда ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларининг ва Ҳукумат қарорларининг бажарилиши ва натижалари тўғрисида таҳлилий материаллар киритсин.

4. Маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш Республика комиссияси (Р.С.Азимов) Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш якунлари бўйича мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маърузасида баён қилинган принципиал қоидалардан келиб чиққан ҳолда бир ой муддатда аниқ Дастур тайёрласин ва уни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Давлат мулки қўмитасининг ва ушбу Протоколнинг 1-бандида қайд этилган ишлаб чиқариш бирлашмаларининг давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва давлат активларини сотиш, корхоналарни корпоратив бошқариш принципларини жорий этиш ва тармоқларда хусусий сектор улушини ошириш бўйича ишларининг қониқарсизлиги қайд этилсин.

Давлат мулки қўмитаси (М.Аскаров) зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналар давлат активларини сотишнинг, бошланғич нархни босқичма-босқич қайта кўриб чиқишнинг ўзгарувчан тизими жорий йилнинг III чораги мобайнида жорий этилишини таъминловчи механизмларни ўн кун муддатда ишлаб чиқсин, шунингдек потенциал инвесторларга эмитентлар, акциялар котировкаси, сотув ҳажмлари ва шу кабилар тўғрисидаги маълумотларни етказиш бўйича ахборот тизими яратилишини таъминласин.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2003 йилнинг октябрида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

6. Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси, Молия вазирлиги паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор давлат корхоналарини хорижий инвесторларга ва мамлакатимиз инвесторларига аниқ инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш учун уларнинг рўйхатини икки ҳафта муддатда белгиласинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг (Жўраев), Қашқадарё (Зайниев), Сурхондарё (Қодиров) вилоятлари ҳокимликларининг минтақалар қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришни жадаллаштириш ва фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича ишлари қониқарсиз деб эътироф этилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Агросаноат комплекси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси қисқа муддатларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида ва унинг ҳудудий тузилмаларида ташкилий қайта ўзгартиришларни тугалласинлар, уларни муносиб кадрлар билан тўлдиришни таъминласинлар. Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

8. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги:

амалдаги қонун ҳужжатларининг мулкчиликнинг ижара шаклларини ва хўжалик юритиш тизимини такомиллаштиришга, шартномавий муносабатлар асосида фаолият кўрсатаётган оилавий пудратчилар ҳамда фермерлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид қисмига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан ўн кун муддатда таклифлар тайёрласинлар;

Олий хўжалик суди билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларига нисбатан жарима санкцияларини қўллаш амалиётини икки ой муддатда танқидий таҳлил қилсинлар.

9. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Жалолов) республиканинг тегишли вазирликлари ва идоралари мутахассисларидан иборат комиссия тузсин ҳамда бир ой муддатда Сирдарё ва Жиззах вилоятларига бориб коллектор-дренаж тармоқларининг техник аҳволини яхшилаш ва ерларни қишлоқ хўжалиги экинлари экишга сифатли тайёрлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги суғурта компаниялари билан биргаликда, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун кенг кўламли суғурта хизматлари кўрсатиш тизимини жорий этишга кўмаклашувчи чора-тадбирларни икки ой муддатда ишлаб чиқсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой-коммунал хўжалиги ва транспорт комплексига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига капитал қурилиш соҳасида бозор ислоҳотларининг қониқарсиз даражада эканлиги, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишга ноқонуний аралашиш ва уларнинг тартиб-қоидаларини бузиш ҳоллари мавжудлиги кўрсатиб ўтилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой-коммунал хўжалиги ва транспорт комплекси (Тўлаганов):

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига капитал қурилишда хўжалик муносабатларини такомиллаштириш ҳамда «Даврархитектқурилиш» қўмитаси тўғрисидаги янги низомни ва унинг тузилмасини тасдиқлаш тўғрисидаги Хукумат қарорлари лойиҳаларини киритсин;

Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда 2003-2004 йилларда қурилиш ташкилотларини, улар негизида асосан хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этган ҳолда, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини тугаллаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсин;

Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда қурилиш соҳасида бозор талабларига жавоб берадиган менежерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг яхлит тизимини яратиш юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсин.

12. Молия вазири (Нурмуродов)га, Давлат солиқ қўмитаси раиси (Сайфиддинов)га, уларнинг ҳудудий тузилмалари раҳбарларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ҳокимликларига жорий йилнинг I ярим йиллигида республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг прогноз кўрсаткичлари айрим вилоятлар ва манбалар бўйича бажарилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин. Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари бўйича бюджетнинг даромад қисми бажарилмаганлиги йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол деб ҳисоблансин.

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қўшма ҳайъати, вилоятлар ҳокимликлари қарори билан айбдор шахслар — вилоятлар ва туманлар солиқ органлари раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача даражада қатъий жавобгарликка тортилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

лимитланадиган ва квоталанадиган маҳсулотларни тақсимлашнинг амалдаги тизимини тугатиш ҳамда уларни биржалар, кимошди савдолари ва бошқа бозор механизмлари орқали сотишни кенгайтиришни;

тасдиқланадиган моддий балансларнинг кўпчилигини асосий прогноз кўрсаткичларини асослаш учун зарур бўлган ҳисоб-китоб балансларини сифатида сақлаб қолиб, улар рўйхатини қисқартиришни батафсил ўрганиб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Давлат статистика ва идоравий ҳисоботи тизимини қайта кўриб чиқиш, қисқартириш ва бирхиллаштириш вазифаси маъмурий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим қисми ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2003 йил 1 ноябргача бўлган муддатда:

барча ҳисобот маълумотларини танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда ишлаб чиқаришни ва сотишни тезкор бошқариш учун, шунингдек балансларни ҳамда жорий ва истиқболли прогнозларни ишлаб чиқиш учун фойдаланиладиган бошқа муҳим таҳлилий материалларни тайёрлаш учун зарур бўлган ҳисоботнигина сақлаб қолсин;

ҳисобот бериш шаклларининг моҳияти ва мазмунига алоҳида эътибор қаратиб, эҳтиёж бўлмаган кўрсаткичларни чиқариб ташлаб, зарур бўлмаган, фойдаланилмайдиган ҳисоботни қисқартириш чора-тадбирларини кўрсин.

15. Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2003 йилнинг иккинчи ярим йиллигида республиканинг барча минтақаларида маҳаллий хомашёдан буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги тайёр маҳсулот (тикувчилик, трикотаж, чарм буюмлар ва пойабзал) ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этиш ҳисобига истеъмол товарларини ўзимизда ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича қабул қилинган дастурлар бажарилишини таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

Натижалари тўғрисида 2003 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ахборот берилсин.

16. Республика иқтисодиёти тармоқларини 2003-2004 йиллар куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (Тўлаганов) манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда:

1991 йилгача қурилган уй-жойларни мукаммал таъмирлаш бўйича йўл қўйилган қолоқликнинг ўрни тўлдирилишини ва умуман жадвалнинг бажарилишини ҳамда барча уй-жой фондининг 2003-2004 йиллар куз-қиш даврига сифатли тайёрлаб қўйилишини;

коммуникация тармоқларини таъмирлаш-тиклаш ишлари ўз вақтида амалга оширилишига ҳамда зарур суюқ ва қаттиқ ёқилғи тайёрлаб қўйилишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда республика иқтисодиёти тармоқларини куз-қиш даврига тайёрлаш бўйича тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши юзасидан ҳар ойда мониторинг ва назорат олиб борилишини таъминласин.

Амалга оширилаётган ишлар тўғрисида 2003 йил 9 ойи якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ахборот берилсин.

17. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагромашсервис», «Ўзпахтасаноат» уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, қишлоқ туманлари ҳокимликлари билан биргаликда жорий йилнинг июль-август ойларида ғўзани парвариш қилишни кучайтириш ва жорий йилнинг 10 августига қадар барча моддий-техник базани таъмирлаш ва 2003 йил ҳосили пахта хомашёсини қабул қилишга тайёрлаб қўйишни тугаллаш учун пахта йиғимига тайёргарлик кўриш юзасидан зарур ташкилий-иқтисодий чора-тадбирларни амалга оширсинлар.

18. Мазкур протоколнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т.Султонов зиммасига юклансин.

Ушбу протоколнинг бажарилиши 2003 йил январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

2003 йил 18 июль

Қонун ва ижро

ҚУРИЛИШДАГИ ТАЛОН-ТОРОЖЛИКЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Аммо Сирдарё вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширишлар вилоятда бу борада анча-мунча бошбошдоқлик мавжудлигини кўрсатди. Чунончи, Сирдарё вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси (бошлиғи К. Маҳмудов) томонидан 2001-2002 йилларда бюджет маблағидан қурилиши лозим бўлган манзил дастурига киритилган Гулистон туманидаги «Юлдуз» қишлоқ врачлик пунктига ажратилган 28,5 миллион, Боёвут тумани марказидаги коллеж ва Оқолтин туманидаги касб-ҳунар коллежлари қурилишига ажратилган 17,6 миллион, жами 75,6 миллион сўмлик бюджет маблағлари «Бургут» ИЧ фирмасига ўтказилиб, талон-торож қилинган.

Албатта, бошқарма бу «операция» билан чекланмаган. У Оқолтин иқтисодиёт бизнес коллежини капитал таъмирлашда Тошкент шаҳрида жойлашган СТП-5 ЛТД масъулияти чекланган жамияти (раиси И.Самаров)ни «шерикчилик»ка жалб этди. Ўртада ўзаро шартнома тузилиб, тендер ўтказмасдан иш бошланади. Ва бюджетдан ажратилган 28 миллион сўм коллеж таъмирланишига ишлатилмасдан талон-торож қилинди. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилиб, иш судга оширилди. Суднинг 2002 йил 26 август кунги ҳукми билан И.Самаровга 5 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Вилоят капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи К.Маҳмудов ва М. Багиянлар ҳам қилмишларига яраша тегишли жазо олдилар.

Худди шундай «2-сонли Сирдарёвилоятқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли 22-сонли қурилишмонтаж бошқармаси бошлиғи С.Хайитқулов ва таъминотчи Ф.Омоновлар Мирзаобод туманидаги «Наврўз» қўрғонида қурилаётган 450 ўқувчига мўлжалланган касб-ҳунар коллежидан 7,8 миллион сўмлик қурилиш материалларини ҳеч ким билмайди, ҳеч ким кўрмайди, деб ўйлаб, талон-торож қилганлигига нима дейсиз?

Сирдарё тумани «Малик» ширкатлар уюшмаси марказида касб-ҳунар коллежи қурилишини олиб бораётган «Агроқурилиштаъмирлаш» корхонаси эса 849000 сўмлик маблағни ўзлаштириб юборибди. Ёки Оқолтин туманидаги 5-ўрта мактабни таъмирлаш учун бюджетдан ажратилган 1442,0 минг сўмлик маблағ «Семурғ» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси иш юритувчиси А.Мирсагатов томонидан талон-торож қилинган.

Булардан ташқари, Янгиер шаҳрида жойлашган «Мирзачўлқурилиш» акциядорлик жамияти раиси З.Абдураимовнинг ўз хизмат вазифасига масъулиятсиз қараганлиги учун бирлашма ва унга қарашли ташкилотларнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашиб, банкрот ҳолатига тушиб қолган. Ҳатто айрим ташкилотларининг мол-мулклари талон-торож қилинган.

Ҳаммасидан ўтиб тушгани, «Мирзачўлқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли 2-сонли МҚК корхонаси иш жараёнида 49,3 миллион сўмлик қилинмаган ишни қўшиб ёзиб юборганига нима дейсиз?

«Мирзачўлқурилиш» АЖнинг 5-сонли автокорхонасида 2000-2002 йилларда 38 та техника ҳисобдан чиқарилиб, шундан 17 таси сотилган, 11 таси бошқа ташкилотларга берилганлиги ва 2-сонли автокорхонанинг 200 ўринли клуб биноси, марказий омборхонаси, маъмурий ва бошқа биноларининг арзимас пулга сотилганлиги ҳолати юзасидан мансабдор шахсларга нисбатан Янгиер шаҳар прокуратураси жиноят иши қўзғатиб, тергов ҳаракатлари ўтказмоқда.

«Сирдарёқурилишматериалсаноатбутлаш» корхонаси ҳам вилоятдаги каттагина жамоалардан бири ҳисобланади. Қизиғи шундаки, корхонада катта миқдорда ўғирликлар айнан раҳбарлар томонидан содир этилган. Корхона раҳбари В.Цой 1 миллион 756 минг, моддий жавобгар шахслар С.Хайитулов 7 миллион 729 минг, Р.Умаров 289 минг, Б.Абдуғаффоровлар 221,5 минг сўмлик қурилиш материалларини ўзлаштириб, талон-торож қилганини қандай баҳолаш мумкин?

Бахт шаҳрида «Қишлоққурилиш» комбинати бор. Цех бошлиғи Я.Эргашевнинг комбинат ишчиларига ҳар хил қурилиш материаллари бериш ҳақидаги ариза ва уларни берилганлиги ҳақидаги актларни ўзи ёзиб, имзоларни қалбакилаштирганлиги ҳолати ҳамма жойда ҳам учрайвермайди.

Қайд қилинган қонунбузилиш ҳолатлари қурилиш корхоналарининг раҳбар ва масъул ходимлари ҳукумат қарори талабларини лозим даражада бажармасдан бюджет маблағлари мақсадли ва тежамли ишлатилиши устидан назоратни сусайтириб юборганлиги оқибати эмасми? Ўйлаб кўринг, бундай ўғирликлар охир-оқибат нимага олиб келади, оғирлиги кимнинг гарданига тушади? Қолаверса, бундай қонунбузилиш ҳолатларидан айримлари ҳақидагина тўхталдик, холос. Бу нарса, албатта, ҳар бир кишини ўйга толдиради, ташвишлантиради.

Юртбошимиз 2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида шундай деди: **«Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир Фармоннинг ижроси ҳам жиддий ташвиш уйғотади.**

...Йилнинг биринчи ярмида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вакиллари томонидан текширилган 144 та объектнинг 139 тасида қурилиш материаллари нархи ва сарф-харажатлари нормаларини нотўғри қўллаш ҳисобига ишлар қиймати 414 миллион сўмга ошириб ёзилгани аниқланди». Бундан, энг аввало, қурилиш ташкилотлари хулоса чиқариб олмоқлари, ишни янгидан кўриб чиқмоқлари лозим.

Мухтор БАБАЯРОВ,
Сирдарё вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори

«АГРОИСТЕЪДОД» ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Бир неча йилдирки, Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази Халқ таълими вазирлиги ва «Камалак» болалар ташкилоти билан ҳамкорликда иқтидорли ва ижодкор ёшларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида ёзги «Агроистеъдод» мактабини ташкил этиб келмоқда. Ушбу мактабга ҳар йили марказнинг жойлардаги филиаллари орқали муайян бир касбга қизиқувчи юқори синф ўқувчилари саралаб олинади. Улар Ўртачирчиқ туманида жойлашган «Меҳржон» оромгоҳида 15 кун давомида етук мутахассислар томонидан маърузалар тинглашади, ўзларини қизиқтирган соҳалари бўйича ўқув ва амалий машғулотларда қатнашадилар.

Яқинда ёзги оромгоҳда «Агроистеъдод»нинг бу йилги қалдирғочлари учирма қилинди. Деярли барча вилоятлардан келган 50 нафарга яқин қизиқувчан ёшлар бу ерда мазмунли дам олиб, техника ва қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича билимларини оширдилар. Ўзбекистон давлат патент идораси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда ЮНЕСКО клуби тренерлари икки ҳафта давомида маърузалар ўқишди.

Мактабнинг ёпилиш маросимида алоҳида ўрнак кўрсатган ёшларга республика ўқувчилар техник ижодиёт марказининг фахрий ёрлиқ ва сертификатлари топширилди.

Абдунаим БОЗОРОВ

ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган «Лочин» оромгоҳи бу йил ҳар қачонгиданда гавжум. Бу ерда болалар ёзги таътилни мазмунли ўтказишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Айни пайтда бир неча тўгарак ташкил этилиб, спорт турлари бўйича машғулотлар ўтказиш ҳам йўлга қўйилган. Бир мавсум давомида минг нафардан зиёд болани қабул қилишга мўлжалланган мазкур гўшада ўтказилган қувончли дамлар кичкинтойлар қалбида ўчмас хотиралар қолдириши шубҳасиз.

❖❖❖

Суратларда: **«Лочин» оромгоҳи фаолиятидан лавҳалар.**

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

Долзарб мавзу

Биласиз: 2002-2003 йилнинг қиши ҳийла қаттиқ келди. Ўзиям декабрь ойидаги аёзли кунлар унчамунча одамни шошириб қўйганди. Ўша кезларда юртимизнинг аксарият шаҳар ва қишлоқларида бўлгани каби Жиззах шаҳрида ҳам газ таъминоти, турар-жой бинолари, халқ хўжалик объектларини иситиш бўйича анчагина муаммолар юзага қалқиб чиқиб қолдики, бу охир-оқибат шаҳарнинг «Иттифоқ», Ҳамзаобод, «Зилол», Улуғбек, «Олмазор», «Жилли-ғулли», «Ўратепалик» сингари чекка маҳаллаларида истиқомат қилаётган фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлганди.

Хўш, бу йил-чи? Келаётган қишда аҳвол қандай бўлади? Ўтган қишнинг аччиқ совуғидан олинган сабоқ қандай хулосалар берди?

ҚИШ ҒАМИНИ ЁЗДА КЎР

ДЕГАНЛАРИДЕК, «ЖИЗЗАХШАҲАРГАЗТАЪМИНОТ» КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ҲОЗИРДАН БОШЛАБ ЮБОРДИ

Тиркаш ШУКУРОВ, «Жиззахшаҳаргазтаъминот» корхонаси раҳбари:

— Шаҳримиздаги 32 та маҳаллада жами 135 минг аҳоли истиқомат қилади. 25 мингта истеъмолчи ҳамда 736 та корхона ва ташкилотга хизмат кўрсатамиз. Турли босимга мўлжалланган 360 километр газ қувурларини ишлатамиз. Шулардан 25 километр узунликдаги қувурлар эскириб, таъмирга муҳтож ҳолга келиб қолган. Шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш дастури асосида қисқа муддатда ўз кучимиз билан 8 миллион сўмликдан зиёд иш бажаришни режалаштирганмиз.

Улуғбек, «Жилли-ғулли» маҳаллаларига борадиган 3 километр узунликдаги ўрта босимли газ қувурларини таъмирлашни ва 1,5 километр масофадаги юқори босимли газ тармоғини янгилашни бошлаб юборганмиз. «Иттифоқ» маҳалласигача бўлган 500 метрлик газ қувурларини алмаштиришга киришилди. «Олмазор», Ҳамзаобод маҳаллаларига газ етказиб беришни яхшилаш мақсадида 2,5 километр масофадаги янги юқори босимли газ қувурларини ўрнатишни бошлаганимизга бир ойдан ошди.

«Иттифоқ» маҳалласидаги 100 га яқин янги уйга газ ўтказишни 1-1,5 ой ичида ниҳоялашни мўлжаллаб турибмиз. Мавжуд 280 та газ тақсимлаш тармоғидан 129 таси таъмирдан чиқарилди. 30 жойдаги яроқсиз ҳолга келиб қолган газ йўлини очиб-ёпадиган махсус мосламаларни алмаштирдик.

Анвар ҲАКИМОВ, «Жиззахшаҳартехгаз» корхонаси раҳбари:

— Истеъмолчиларга газ етказиб беришни яхшилаш учун жойларда босимнинг пасайиб кетишига йўл қўймаслик керак бўлади. Бунинг учун аввало газдан қонунга хилоф равишда яширинча фойдаланиш ҳолатларига барҳам бериш, хонадонларда, корхона ва ташкилотларда тўлиқ газ ўлчагич мосламалари ўрнатилишига эришишнинг аҳамияти катта. Шуни эътиборга олган ҳолда биз газдан фойдаланиш бўйича амалдаги тартиб-қоидаларга риоя этмаганликлари учун ўтган ярим йилда 125 та хонадон ва 26 та истеъмолчи корхона ҳамда ташкилотларга алоқадор ҳужжатларни чора кўришлик учун ҳуқуқ-тартибот органларига ўтказдик.

Шу билан бирга ишлатилган газ ҳақини тўлашдан бўйин товлаган 114 та хонадон эгаларининг тегишли ҳужжатларини ҳам кўриб чиқишлик учун фуқаролик судига оширилди. Суднинг қарори билан ҳозиргача уларнинг бир қисмидан 2 миллион сўмдан зиёд жарима ундириб олинди. Шаҳардаги юридик мақомга эга бўлган барча истеъмолчилар ҳамда 6257 та хонадонга газ ўлчагич мосламаларини ўрнатишга эришдик. Йил бошидан бери шундай мослама ўрнатган хонадонлар сони 3735 тага кўпайди. Йил охиригача яна 5300 та хонадонга газ ўлчагич ўрнатамиз.

Аҳмад АКРАМОВ — «Зилол» маҳалласи, Зилол кўчасидаги 24-уйда истиқомат қилувчи фуқаро:

— Ўтган қишда газ босими пастлигидан уйни иситишни қўятуринг, чой қайнатишнинг ҳам имкони бўлмай қолганди. Яқинда маҳалламиздаги газ қувурларининг эскирган бир қисми алмаштирилди. Ҳозир босим яхши.

Бахтиёр МАМАТҚУЛОВ, «Жиззахшаҳартехгаз» корхонаси чилангари:

— Эсимда, ўтган йилнинг қаҳратон қишида «Жилли-ғулли» маҳалласидаги хонадонларда газнинг жуда паст ёнаётганидан арз қилишганди. Декабрнинг охири, январнинг бошларида роса уриниб кўрдик. Аммо, газ қувурларининг эскириб, чириб, тешилиб кетганлиги учун иложини қилолмагандик. Яқинда шу маҳаллага борадиган 3 километр масофадаги ўрта босимли қувурларни алмаштиришга киришдик.

Йўлдош ФОЗИЛОВ, «Жиззахшаҳаргазтаъминот» корхонаси назоратчиси:

— Қишли-қировли кунларга ҳали анча бор. Шунга қарамасдан барча босимдаги газ қувурларининг ҳолатини босқичма-босқич кўздан кечириб чиқдик ва аввало зудлик билан алмаштирилиши ёки таъмирланиши зарур бўлганларини аниқладик. «Бошкоммунгаз» давлат корхонаси қувурлар ажратган бўлса, маблағни биз ўзимиз, қолаверса шаҳар ҳокимлиги, вилоят капитал ва якка тартибдаги уй-жой қурилиши бошқармалари, ҳомийлар кўмагида ҳал қилаяпмиз.

Анвар ЖУМАЕВ, «Тошлоқ» маҳалласи Гавҳар кўчаси 19-уйда яшовчи фуқаро:

Хонадонларимизда газ гуруллаб ёниб турибди. Қилса, бўлар экан-ку. Лекин, қишга бориб айнимасин деб қўрқамиз...

Шаҳар — барибир шаҳар. Унда муаммолар ҳар доим топилади. Жиззах ҳам бундан мустасно эмас. Аммо бу ерда мавжуд камчиликлар ечимига ҳозирдан киришилганининг ўзиёқ кишини қувонтиради. Қиш ғамини ёзда еган ютади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Музокарага тайёр

Сурия Президенти Башар Асад Исроил билан тинчлик музокаралари олиб боришга тайёрдир. Бу ҳақда БМТнинг Яқин Шарқдаги мувофиқлаштирувчиси журналистларга хабар берди, дейилади Reuters ахборотида.

Бундан бир неча кун аввал ҳам Сурия газеталари уч йил муқаддам тўхтатиб қўйилган тинчлик музокаралари кун тартибига қайта қўйилиши ҳақида хабарлар берган эди.

Бу икки давлат ўртасидаги келишмовчиликларнинг асосий сабаби 1967 йили Исроил томонидан Сурияга қарашли Голан тепалигининг эгаллаб олинишидир.

Виза билан боғлиқ янги тартиб-қоидалар

АҚШнинг Москвадаги элчихонаси матбуот хизмати берган манбага асосланиб «Интерфакс» тарқатган хабарга кура, ёз охиригача АҚШга виза бериш тартиби дунёнинг барча мамлакатларида ўзгартирилади.

Янги тартиб-қоидага кўра, шу йил 1 августдан эътиборан кимки виза олиш учун ариза берса (муҳожирликдан ташқари) у АҚШ элчихонасининг консуллик бўлими ходимлари билан юзма-юз суҳбатда бўлиши шарт. Фақат 16 ёшгача бўлганлар ва 60 ёшдан ошган қариялargагина суҳбатсиз виза берилиши мумкин.

Бугундан бошлаб эса аризага қўшиб тақдим этиладиган фотоларга ҳам бошқача талаб қўйилади, яъни фото рамкасиз бўлиши, рўбарўдан туширилиши, соч ва юз аниқ акс этиши, ҳатто қулоқлар ҳам кўриниб туриши, шунингдек, сурат узоғи билан 6 ой аввал олинган бўлиши лозим.

Бундай талаблар қўйилишидан мақсад виза олиш тартибини мураккаблаштириш эмас, балки америкаликлар ва Америкага келувчилар хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир, дейди элчихона вакили.

2 тонна кокаин

Гондурас ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи вакиллари бортига 2 тонна кокаин юкланган Британия савдо кемасини қўлга олди.

Расмий маълумотларга қараганда, бу Гондурас тарихида қўлга олинган энг йирик гиёҳванд моддалар партиясидир.

Панамадан йўлга чиққан бу кема Роатан оролидаги портда турган эди. Унинг 6 экипажи (Гондурас фуқаролари) ҳозир сўроқ қилинмоқда.



Онтарио кўчалари бўйлаб сайёҳат

Тинчлик келишувига эришилди

Филиппин ҳукумати «Моро озодлиги учун Ислом фронти» экстремистик ташкилоти етакчилари билан тинчлик келишувига эришганлигини маълум қилди. Associated Press агентлиги хабарида ёзишларича, бундай келишувга эришиш учун Филиппин раҳбарияти экстремистик ташкилот етакчиларини қамоққа олишга ордер ёзишни тўхтатишга ваъда бердилар.

Филиппин ташқи ишлар вазири сўзларига қараганда, навбатдаги музокаралар шу ҳафта Малайзияда бўлиб ўтиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз: «Моро озодлиги учун Ислом фронти» 30 йилдан бери Минданао ва архипелагнинг бошқа ороллари мустақиллиги учун Филиппин ҳукуматига қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб бормоқда. Қарши курашда улар террор усулларидан кенг фойдаланмоқдалар.

Эришилган тинчлик келишуви эса Филиппин аҳолисини террор балосидан муҳофаза қилишга замин яратади.

Сир нимада экан? Буни тадқиқот кўрсатади

Американи биринчи бўлиб кашф этган денгизчи Христофор Колумб ва унинг ўғли Эрнандоларнинг Севилье (Испания) бутхонасида сақланаётган жасади қолдиқлари Гранада университетининг генетик лабораториясида ДНК тадқиқотлари ўтказиш учун эксгумация қилинди, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида. Худди шундай генетик таҳлил Колумбнинг акаси Диего ҳоки устида ҳам олиб борилади. Бу тадқиқотлар буюк денгизчи Христофор Колумбнинг ҳоки-пойи қаердалигини ва унинг ўлими сабабларини аниқлашдан иборатдир.

Маълумки, бугунги кунда Колумб ҳоки кўмилган жой борасида икки хил тахмин мавжуд. Биринчи тахминга кўра, унинг жасади Севилье бутхонасидаги саганага қўйилган. Иккинчи тахмин эса Доминикан Республикасидаги қабристонга қўйилганлигини эътироф этади. Мутахассислар бу фаразда бир оз жон борлигини айтишмоқда. Негаки, Колумб умрининг сўнгги йилларида ўз ватанида қувғинга учраган эди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Колумб авлодларидан бўлмиш Анунсиада Колоннинг айтишича, буюк денгизчининг ҳоки Севильеда осойиш топган. Колон хоним ўзининг «Христофор Колумб ўлимининг сирлари» китобида ёзишича, Христофор ёшини яшаб қазо қилмаган, балки уни ўлдиришган. Яъни у таратган шон-шуҳрат кўролмайдиган душманлари кўпайишига сабаб бўлган. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлганми ё табиий ўлим топганми, буни бўлажак тадқиқот натижалари кўрсатади.

Дарвоқе, айрим тарихчилар Колумбнинг ҳоки азалданоқ йўқ бўлиб кетган, унинг ҳоки на Испаниядан, на Доминикан Республикасидан топилади, дея ҳисоблашади. Бунга ҳам айни ўтказиладиган тадқиқотлар жавоб берса, ажаб эмас.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

ТАҚСИМОТ ТАРОЗИСИ?!...

ЁКИ ТЎРТКЎЛ ТУМАНИ ФЕРМЕРЛАРИ ЁНИЛҒИ ОЛИШ УЧУН ОВОРАЮ САРСОН БЎЛАЁТГАНЛИКЛАРИ ҲАҚИДА

Отланган манзилимиз — Тўрткўл туманидаги қўриқ даҳада жойлашган фермер хўжаликларига боргунча деярли бир хил манзаранинг гувоҳи бўласиз: йўл четларида гоҳ тўқайзор, гоҳ қумликлар, гоҳ экин далалари кўзга ташланади. Шуниси қизиқки, экин майдонлари билан ёнма-ён қамишзорлар учрайди — бу уч йиллик сувсизлик оқибати, кўпгина майдонлар экиш оборотидан чиқиб кетган. Бу ерларда қачон ғўза гуллаб, қачон буғдой бошоқлари эгилади? Бу қўриқ ҳудуддаги Қ.Нурумбетов, Й.Қурбонов номли, «Наврўз» ширкат хўжаликлари ўрнида ташкил қилинган 203 фермер хўжалиги иш услубига боғлиқ. 2002 йил бошида ушбу ширкат хўжаликлари ерлари тендер асосида фермерларга бўлиб берилган эди. Ўшанда бутун Қорақалпоғистондаги каби бу хўжаликлар аҳли ҳам қаторасига бир неча йил сув танқислиги жабрини кўрган, ҳосилдорлик пасайиб кетган эди. Аммо тендер танловлари, ўзим гувоҳ, қаттиқ кечди, бир майдонга 5-6 талабгор бўлди. Кимдир деҳқончиликда тажрибаси кўплигини пеш қилиб, кимдир техникадан камчилиги йўқлигини исботлаб, ерга эгалик ҳуқуқини қўлга киритган эди. Орадан бир йил ўтди. Мана, иккинчи йил мавсуми ҳам бошланди. Демак, аҳвол қалай, натижалар қандай деб суриштирсак бўлади.

...Эрталабдан қиздириб турган қуёш юзини тушга яқин булут қоплади. Атроф бир зумда қоронғулашди. Тўсатдан шаррос ёмғир қуйди. Беш-ўн дақиқалардан сўнг ёмғирнинг шашти пасайди. Мана, энди ёмғир тўхтайди, деб турганимизда, яна авжига чиқди. Яна чамаси ярим соатлардан сўнг ёмғир тинди. Борлиқни намхуш ер ҳиди, ўтқолмади.

...Туман нефть базаси олдидаги навбат ҳам кичкина эмас экан. Директор қабулхонаси гавжум, ҳовлида ҳам одам кўп, кимдир ҳали-бери иши битмаслигига кўзи етганидан машинаси эшигини қия очиқ қўйиб мизғиб оляпти, уч-тўрт киши шундоқ ерда гурунглашиб ўтирибди...

Уларнинг айримлари билан танишдим.

«Хива» фермер хўжалиги раҳбари Кенжа Ибодуллаев:

— 17 гектар ерда пахта, 10 гектарда буғдой, 13 гектар майдонда шоли етиштиришга шартнома қилганман. Ўтган йили 38 тонна ўрнига 39 тонна пахта етиштирдим. 36 бош қорамолим бор. Гўшт сотиб, пулини банкка топширдим, нефть базасида 310 минг сўм пулим бор. Бугун зўрға 1100 литр дизель ёнилғиси беришди. Шуни ҳам қандай оворагарчилик билан олганимни биласизми? Ўтган чоршанба куни нефтебазага келсам, солярка йўқ, дейишди. Эртаси куни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Мурод Тоғонмуродовга бордим. У туман фермерлар уюшмаси раҳбари Зарифбой Раззоқовга юборди...

Ўн бир тонналик фондимдан 4 тоннасини олдим. Культиваторларим бекор турибди. Ёнилғи бизга ҳозир керак.

Фермер Момут Жумашевнинг ҳам фиғони фалакка чиқиб турган экан.

— 1997 йилдан бери фермерман, — дейди у. — Шу фермерликнинг орқасидан қўша-қўша трактор, транспортлик бўлдим. Оғилимда 20 бош қорамол, 50 та қўй турибди. Фермер хўжалигимда пудратчи, механизаторлар — жами 17 киши ишлайди, уларга вақтида маош беряпман. Фермер бойиса элговул обод бўлишини ҳамма тушуниб қолди. Масалан, сув йўлларини тозалаб, сув олиб келиш керакми, захкашларни таъмирлаш керакми, фермерлар биргалашиб ишлаймиз. Бундай ишларнинг элга ҳам фойдаси бор. Бундан ҳам бақувватлашсак, эртага йўл таъмирига қараймиз, қўлимиздан келса мухтожларнинг кўнглини оламиз. Агар ишимизда тўсиқлар бўлмаса, режаларимиз албатта, амалга ошади.

Айни кунда нефть базаси ҳисобига 609 минг сўм ўтказиб қўйибман. 18-транш ҳам тушган бўлса, 800 мингдан ошиб кетгандир. Фермерга ортиқча ёнилғи керак эмас. Тежаб-тергаб ишлатсак даромад оламизда. 38 гектар ерда пахта етиштираман, 1100 литр ёнилғи нима бўларди. Шу ёнилғига қанча иш қараб турганини биласизми? Даламга сувни насос билан чиқараман. Бу насос бир суткада 300 литр ёнилғи «ейди». У ёқда пахтанинг культивацияси...

Шу 1100 литрни олиш учун Тоғонмуродовнинг олдига уч марта бордим. 3-4 кун ичида бу ёнилғи тугайди ва ҳаммаси қайтадан бошланади...

Шу ўринда Президентимизнинг «2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида» Вазирлар Маҳкамаси мажлисида куюниб айтган гапларини эслатиб ўтмоқчимиз: **«...учинчи нуқсон — бу вазирлик ва идоралар ихтиёрида турли тақсимлаш вазифаларининг сақланиб қолиши билан боғлиқ бўлиб, ҳанузгача уларнинг аксарияти фонд ва лимитларга эгалик қилмоқда.**

Одатда бундай вазиятларда — ҳатто ресурслар етарли бўлган ҳолатларда ҳам — сунъий тақчиллик вужудга келади. Бундан кўзланган мақсадни эса тушуниш қийин эмас. Амалдорлар ўзининг «куч — қудрати», аслида зўровонлигини намойиш этиб, шу ҳисобидан ўз манфаатини ўйлаши барчага аён бўлса керак».

— Тўғри, бир ширкат хўжалиги ўрнига 90-100 фермер пайдо бўлди. Нефть корхонасига ҳам олдинги битта ўрнига 90-100 та мижоз мурожаат қилаяпти. Навбат бўлишига йўл қўймаслик учун жойларда фермерлар билан ишлайдиган шахобчалар ташкил қилинган, — дейди Тўрткўл туман нефть базаси раҳбари Комил Саъдуллаев.

У юзага келган вазият сабабини изоҳлайдиган рақамларни келтиради:

— Туманда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган жами экин майдонларининг 12807 гектари ширкат хўжаликларида, 9569 гектар фермерларда. Ширкатлар 7482 гектарда пахта, 2521 гектарда буғдой, 541 гектарда шоли етиштирадилар. Фермерлар эса 5518 гектарда пахта, 1279 гектарда буғдой, 459 гектарда шоли етиштириш учун шартнома тузганлар. Бу йил ширкатларга 6089 тонна, фермер хўжаликларига 1080 тонна дизель ёнилғиси учун фонд ажратилган. **Фермерлар умуммайдоннинг 42,7 фоизида деҳқончилик қилган ҳолда ёнилғининг 15,1 фоизини олишади. Бу давлат буюртмасидаги маҳсулотларни етиштириш учун ёнилғи сарфи меъёрининг 30-35 фоизини қоплайди, холос.** Қорақалпоғистон фермерлар ассоциациясининг раиси Ж.Қўчқоровнинг хатига асосан кейинги чорак фондини ҳам бера бошладик.

Масалан, Қ.Нурумбетов номли фермерлар уюшмаси 1604 гектарда, Я.Иломонов номли ширкат хўжалиги ундан сал камроқ-1526 гектарда давлат буюртмасидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — пахта, шоли, буғдой етиштирадилар. Аммо шу йилнинг 5 ойи давомида икки хўжаликка ажратилган фонд орасида жуда катта фарқ бор — уюшма 125 тонна, ширкат 221 тонна дизель ёнилғиси олган.

Фонднинг нима учун етишмаётганлиги, нефть корхонаси олдидаги навбат сабаби ҳақида сўраб, «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясига, республика деҳқон фермер хўжаликлари уюшмасига мурожаат қилдик.

— Шахобчаларимиз олдидаги навбатлар балки об-ҳавонинг ёмон келиши сабабли ёнилғи сарфи кўпайганлиги туфайлидир, — деди «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси нефть базалари, АЁҚШлардан фойдаланиш бўлими бошлиғи Баҳодир Позилов.

Республика деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси таъминот бўлими бош мутахассиси Эркин Шерматов эса, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимининг жойлардаги раҳбарлари фермерларга бўлиб берилган ширкат хўжаликларининг «бўлиниш қайднома»лари ҳужжатларини тайёрлашни пайсалга солаётганлиги ҳам бу ҳолатнинг юзага келишига сабаб бўлаётганини айтди.

Сабаб ва баҳоналар бисёр. Аммо фермер экиши, парвариш қилиши, ҳосилни йиғиб-териб олиши керак. Фонд учун бир югурса, фонд билан берилган маҳсулотни олиш учун ўн югурса, навбатда турса, олтиндан қиммат вақтини бой беради. Натижа эса аён — кузда уюлажак хирмоннинг салмоғи озаяди.

Жойларда деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг вакилликлари бор. Тўрткўлда фермерлар ўтган йил дуч келган муаммо бу йил ҳам такрорланаётганига гувоҳ бўлиб, вакилликлар раҳбарлари идорада бўлсин, далада бўлсин, фермер билан учрашиб, унинг ташвишини тинглаш ва ҳал қилиш вазифасини бажараётганига, тўғриси, шубҳа қилдик.

Фермер Исмоил Курбонбоевнинг бир гапидан юрагим жизиллаб кетди. Унинг гапларини эшитинг:

— Чўлнинг оғир шароитида меҳнат қилаяпмиз. Аммо меҳнат қилсанг, парваришга зўр берсанг, шу ерда ҳам юқори ҳосил ундирса бўлади. Биров учун эмас, ўзимиз учун ишлаяпмиз. Даромад тўлалигича ўзимизники бўлишини биламиз. Шу даромаддан биримиз уй қурмоқчимиз, биримиз машина олмоқчимиз, тўй қилмоқчимиз. Баҳона излаётганимиз йўқ, ишлашни истаймиз.

Унинг бу сўзларини ҳар бир фермернинг дилидаги гап дейиш мумкин. Фермерлар фаолиятига уларнинг муаммоларини ҳал этишга масъул бўлган раҳбарларга бу сўзлар қандай таъсир этар экан?

...Тўрткўллик фермерлар билан экиш мавсуми якунланаётганда учрашган эдим. Елибюгуриб ёнилғи ундириб, режалаган майдонларни экиб олишгандир. Аммо, ишлов даврида ҳам ўша ҳолат юз бермаяптимикан?

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Болалар спорти

МАҚСАД — ОММАВИЙЛИККА ЭРИШИШ

ШУ МАҚСАДДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЮЗДАН ЗИЁД СПОРТ ИНШООТЛАРИ ТАЪМИРЛАНМОҚДА, 6 ТА САНОАТ КОРХОНАСИДА ЭСА СПОРТ КИЙИМ-КЕЧАКЛАРИ ВА АНЖОМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Маълумки, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлишида юртимиздан етишиб чиқаётган спортчиларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаётир. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, болалар спортини ривожлантирмасдан катта спортда муваффақиятларга эришиш қийин. Ҳукумат қароридан кўзланган мақсад ҳам иқтидорли спортчиларни кашф этиш баробарида болалар спортини ривожлантиришни доимий ҳаракатга айлантиришдан иборат.

— Президентимизнинг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлигида қабул қилинган қарордан сўнг, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари қошида спорт фахрийларидан иборат болалар спортини янада оммалаштириш мақсадида жамоатчилик кенгашлари тузилди, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Самарқанд вилоят филиали директори Баҳодир Бобомуродов. — Биз жамоатчилик кенгаши вакиллари билан ҳамкорликда шаҳар, туманларда бўлиб, спорт иншоотлари ва улардаги аҳвол билан яқиндан танишдик. Янгидан қуриладиган замон талаблари даражасидаги спорт иншоотларини маҳаллий аҳолининг талабларига қараб режалаштирмоқдамиз.

Яна бир гап. Вилоятдаги мавжуд ширкат хўжаликлари раисларининг биринчи муовини лавозимига спортчилардан қўйилиши керак, деган таклиф қўллаб-қувватланди. Бу борадаги ишлар ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Вилоятдаги болалар спорт иншоотлари қайта рўйхатдан ўтказилиб, таъмирлаш ишлари, спорт анжомлари билан таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Самарқанд шаҳридаги 24- ва 51-, Каттақўрғон туманидаги 2-ўрта мактабларда ташкил этилган намунали шарт-шароитларни оммалаштириш мақсадида кўргазмали семинарлар ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармаси ҳамда Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигидаги қўшма қарор бўйича касб-ҳунар коллежларининг спорт заллари ва иншоотларидан улар атрофидаги яқин кўрғон ёки қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳоли фарзандлари ҳам фойдаланишлари алоҳида қайд этилган. Маҳаллалар ва касб-ҳунар коллежлари ўртасида ҳамкорлик режалари ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозирда юздан зиёд спорт иншоотларини қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Лойиҳа асосида эса 20 та замонавий спорт мажмуалари барпо этиш ишлари режалаштирилган.

— Бугун давлат сиёсати даражасига олиб чиқилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг атрофидаги ташаббуслар катта эътиборга молик иш бўлди, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт жамоатчилик кенгаши раиси, профессор Ҳамроқул Рафиев. — Шу ўринда бир нарсани айтиш жоизки, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ушбу хайрли ишни катталар спорти билан аралаштириб қўймаслик лозим. Жамғарма ҳисобига келиб тушадиган маблағлар ҳам умумий тартибда спорт ишларига эмас, айнан болалар спортини ривожлантириш мақсадларига йўналтирилади.

Жамоатчилик ташаббуси ва ҳомийлар кўмаги билан ҳар бир қишлоқда кураш зали, футбол, волейбол майдончалари қурилиши бошлаб юборилди. Вилоятдаги «Китоб», «8 Март», «Динамо», «Совпластитал», «Лифтсозлик» ва «Парвиз» каби саноат корхоналарида спорт анжомлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Қисқаси, вилоятда боғча, мактаб ва маҳаллаларда болаларга мос спорт анжомлари, майдончалари тайёрлаш ишлари қизғин. Бунинг натижалари ва самараларини эса вақт кўрсатади, албатта.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ



Бухоро шаҳридаги ўнлаб замонавий спорт иншоотлари соғлом-авлод тарбиясига хизмат қилмоқда. Айниқса, «Хумо» теннис мажмуида яратилган шароитдан болалар ҳам, ота-оналар ҳам хурсанд.

Суратда: ёш теннисчиларнинг машғулот пайти.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Анжуман

КУН ТАРТИБИДА — ТЯНЬ-ШАН МУАММОСИ

Ғарбий Тянь-Шан тоғ тизмалари минтақамиз учун биохилма-хиллик манбаи ҳисобланади. Мамлакатимизнинг ғарбий чегарасидаги Угам, Пском, Чандалаш, Чоткол тоғ тизмалари ҳайвонот олами, ўсимлик дунёсининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Бу ерда қушларнинг, доривор ўсимликларнинг юзлаб, турини учратиш мумкин. Ғарбий Тянь-Шаннинг биохилма-хиллигини табиий ҳолатда асраш ҳудудимизда экологик барқарорликни сақлашнинг энг зарур шартларидир биридир.

Сўзсиз, бу борада ҳукуматимиз, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа халқаро ташкилотлар муайян чора-тадбирларни амалга ошираётир. Республика Фанлар академияси Зоология илмий-текшириш институтида «Ғарбий Тянь-Шаннинг биохилма-хиллигини сақлаш ҳудудий давлатлараро ТАСИС лойиҳасининг (2002 йил декабрь — 2003 йил июль) фаолияти якунига доир» халқаро йиғилиш бўлиб ўтди.

ТАСИС лойиҳасида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон олимлари, етакчи мутахассислари фаол иштирок этяптилар. Очиғи, бугунги кунга келиб Ғарбий Тянь-Шан табиати жиддий хавф остида қолган. Маълумки, бу экотизимда кўплаб қўриқхоналар, шунингдек, ҳар хил ўрмончилик, ишлаб чиқариш хўжаликлари, фаолият кўрсатади. Саричелак, Беш-Арал (Қирғизистон), Чоткол (Ўзбекистон) Оқсув-Жабағли (Қозоғистон) қўриқхоналари Ғарбий Тянь-Шан тоғ тизмаларидаги экотизимни муҳофаза этиш билан бирга минтақамиз атроф-муҳитининг экологик ҳолатини баҳолаштиришда мониторинг вазифасини ҳам ўтайди.

ТАСИС лойиҳаси 2001 йилнинг 15 февралидан бошланган. Унда 13 нафар хорижлик эксперт, 20 нафар маҳаллий мутахассис қатнашди. Улар Ғарбий Тянь-Шан табиатини сақлаш лойиҳасини амалга оширишда кўплаб маълумотлар, ҳуқуқий идоралар, ўрмончилик хўжаликлари, сайёҳлик ва бошқа кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорлик қилди.

— Ғарбий Тянь-Шаннинг биохилма-хиллигини сақлаб қолиш, — дейди анжуманда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси масъул ходими Евгений Черногаев, — минтақамизнинг иқлимини, экологиясини, бир сўз билан айтганда — тирикликни сақлаб қолиш демакдир. Зеро, инсониятнинг ҳаёт-мамоти ўсимлик дунёси, ҳайвонот оламининг омонлиги билан узвий боғлиқ.

Анжуман қатнашчилари оқсоч Тянь-Шан табиатини асраш борасидаги улкан вазифалар хусусида фикрлашиб олдилар.

Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири

ОАО «УЗТАЪМИНБУТЛАШ»
проводит тендер на закупку МЕТАЛЛОПРОКАТА

Все предприятия и организации, желающие принять участие в проведении тендерных торгов, могут направлять свои предложения в течении 30 дней с момента выхода данного объявления в печати.

Адрес: г.Ташкент, ул. А.Темура, 25.
Контактные телефоны: 134-36-20, 134-32-17.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Ёшлик — бебошлик

Мазкур мақол болаларининг ҳаддан ташқари шўхлиги, қулоқсизлиги ё ношудлигидан хафа бўладиган, нолийдиган ота-оналарга: «Хафа бўлманг, ҳали ёш-да, ёшлигига боради. Ёши улғайгач, турмуш «юки» бўйнига тушгач, бундай қилиқларини ташлайди, қуйилади, хато-камчиликларга йўл қўймайдиган бўлади», деган маънода тасалли бериб айтилади. Вар.: «Ёшлик — бебошлик, йигитлик — беклик, қарилик — болалик»; «Бола — болалигига боради»; «Бола сўйласа — сўзи ширин, ўйласа — ўйи қийин»; «Ўт тутунсиз бўлмас, Йигит ёзиқсиз бўлмас» (ёзиқ — гуноҳ, айб, хато, камчилик. «Ўт аввалига буруқсаб, тутаб, кўзни ачиштириб, кейин ловуллаб ёниб кетади. Худди, шунингдек, йигит ҳам ёшлигида хато-камчиликлари, нуқсонлари, шўхлиги билан ота-онани қуйдиради, хафа қилади, аммо катта бўлгани сари эс-хушини йиғиб олиб, ота-онанинг жонига ора кира боради», дейилмоқчи); «Хўтиклигида диринглайди, Эшак бўлганда қулоғи шалпаяди»; «Той қоқилмай от бўлмас»; «Той қоқилмай йўл танимас»; «Бола, боланинг иши чала»; «Ёши етмай, иши битмас»; «Ёшдан — хато, Каттадан — узр» («Ёш ёшлигига бориб, хато қилиб қўйса, катта уни (албатта бу хато устма-уст, муттасил такрорланмай, аллақайтиб бир бўлиб қолса) жуда қойиб ташламай, кечириши лозим», дейилмоқчи).

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки томонидан жорий этилган «Омад» ютуқли омонати бўйича 2003 йил 18 июлда Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 2-Чарх-Комолон маҳалласида ўтказилган 14-ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Т/р	Омонат қолдиғига ҳисобланган йиллик фоиз даромади қуйидаги миқдорда кўпайди	Ҳисоб варақаси рақами
1	20 баробар	893
2	10 баробар	49
3	10 баробар	125
4	5 баробар	44
5	5 баробар	434
6	3 баробар	1
7	3 баробар	173
8	3 баробар	213
9	3 баробар	240
10	3 баробар	249
11	3 баробар	288
12	3 баробар	348
13	3 баробар	416
14	3 баробар	448
15	3 баробар	641
16	3 баробар	666
17	3 баробар	698
18	3 баробар	753
19	3 баробар	787
20	3 баробар	822
21	3 баробар	859
22	3 баробар	907
23	3 баробар	920
24	3 баробар	946
25	3 баробар	998

Ютуқлар тиражи ҳар 1000 та ҳисоб варақаси бўйича ўтказилди. 1000 дан зиёд ҳисоб варақалари очилган Халқ банки муассасаларида ҳар 1000 та ҳисоб варақаси бўйича ҳам худди шу тартибда ютуқлар чиқди. Масалан: ОД-249, ОД-1249, ОД-2249 ва ҳоказо.

Хайъат раиси — Ўзбекистон Республикаси Маҳалла жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Н.АБДУЛЛАЕВ

Хайъат раиси ўринбосари — Халқ банки бошқаруви банк филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази директори К.МАДРАҲИМОВ

Давлат-тижорат Халқ банкининг «Маҳаллам — фахрим менинг» жамғарилувчи, ютуқли омонати бўйича 2003 йил 18 июлда Тошкент шаҳар, Чилонзор туман, 2-Чарх-Комолон маҳалласида ўтказилган 1-ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Т/р	Ютуқ миқдори	Вилоятлар	Халқ банки филиаллари	Халқ банки шахобчалари рақами	Ҳисоб варақаси рақами
1	500000	Тошкент вилояти	Келес филиали	07	МФ-2
2	200000	Қорақалпоғистон Республикаси	Беруний филиали	03	МФ-4
3	100000	Қорақалпоғистон Республикаси	Беруний филиали	03	МФ-1
4	100000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	031	МФ-49
5	50000	Қорақалпоғистон Республикаси	Элликқала филиали	Амалиёт бўлими	МФ-10
6	50000	Самарқанд вилояти	Пайшанба филиали	01	МФ-1
7	50000	Тошкент вилояти	Ангрен филиали	015	МФ-39
8	50000	Тошкент вилояти	Қибрай филиали	022	МФ-7
9	50000	Тошкент вилояти	Қуйи Чирчиқ филиали	07	МФ-52
10	50000	Тошкент вилояти	Чиноз филиали	01	МФ-208
11	50000	Тошкент вилояти	Янгийўл филиали	060	МФ-61
12	50000	Бухоро вилояти	Тўқимачилик филиали	077	МФ-32
13	50000	Сурхондарё вилояти	Қизириқ филиали	010	МФ-19
14	50000	Сурхондарё вилояти	Сариосиё филиали	06	МФ-21
15	20000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	01	МФ-1
16	20000	Жиззах вилояти	Уч тепа филиали	06	МФ-35
17	20000	Самарқанд вилояти	Булунғур филиали	041	МФ-2
18	20000	Наманган вилояти	Наманган вилоят филиали	090	МФ-18
19	20000	Наманган вилояти	Учқўрғон филиали	026	МФ-6
20	20000	Наманган вилояти	Тошбулоқ филиали	019	МФ-10
21	20000	Тошкент вилояти	Ангрен филиали	010	МФ-63
22	20000	Тошкент вилояти	Ангрен филиали	027	МФ-23
23	20000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	026	МФ-139
24	20000	Тошкент вилояти	Чиноз филиали	019	МФ-20
25	20000	Тошкент вилояти	Янгийўл филиали	021	МФ-3
26	20000	Бухоро вилояти	Шофиркон филиали	010	МФ-2
27	20000	Сурхондарё вилояти	Денов филиали	014	МФ-14
28	20000	Сурхондарё вилояти	Сариосиё филиали	010	МФ-164
29	20000	Сирдарё вилояти	Мирзаобод филиали	01	МФ-9
30	10000	Қорақалпоғистон Республикаси	Беруний филиали	Амалиёт бўлими	МФ-4
31	10000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	018	МФ-13
32	10000	Жиззах вилояти	Фориш филиали	013	МФ-1
33	10000	Жиззах вилояти	Уч тепа филиали	08	МФ-15
34	10000	Жиззах вилояти	Дўстлик филиали	09	МФ-11
35	10000	Қорақалпоғистон Республикаси	Беруний филиали	010	МФ-4
36	10000	Жиззах вилояти	Дўстлик филиали	09	МФ-55
37	10000	Қашқадарё вилояти	Косон филиали	027	МФ-1
38	10000	Қашқадарё вилояти	Чироқчи филиали	019	МФ-1
39	10000	Қашқадарё вилояти	Яккабоғ филиали	02	МФ-7
40	10000	Самарқанд вилояти	Жомбой филиали	029	МФ-5
41	10000	Наманган вилояти	Учқўрғон филиали	028	МФ-1
42	10000	Тошкент вилояти	Қуйи Чирчиқ филиали	03	МФ-32
43	10000	Тошкент вилояти	Қуйи Чирчиқ филиали	06	МФ-44
44	10000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	031	МФ-83
45	10000	Тошкент вилояти	Чиноз филиали	019	МФ-8
46	10000	Тошкент вилояти	Зафар филиали	03	МФ-173
47	10000	Тошкент вилояти	Олмалиқ филиали	035	МФ-8
48	10000	Тошкент вилояти	Янгийўл филиали	011	МФ-28
49	10000	Тошкент вилояти	Ўрта Чирчиқ филиали	038	МФ-17
50	10000	Бухоро вилояти	Тўқимачилик филиали	047	МФ-34
51	10000	Бухоро вилояти	Тўқимачилик филиали	047	МФ-51
52	10000	Бухоро вилояти	Тўқимачилик филиали	077	МФ-22
53	10000	Бухоро вилояти	Ғиждувон филиали	011	МФ-1
54	10000	Бухоро вилояти	Жондор филиали	Амалиёт бўлими	МФ-6
55	10000	Бухоро вилояти	Жондор филиали	Амалиёт бўлими	МФ-75
56	10000	Сурхондарё вилояти	Шеробод филиали	011	МФ-10
57	10000	Сурхондарё вилояти	Сариосиё филиали	010	МФ-27
58	10000	Фарғона вилояти	Марғилон филиали	Амалиёт бўлими	МФ-1
59	10000	Фарғона вилояти	Ўзбекистон филиали	060	МФ-11

Хайъат раиси — Ўзбекистон Республикаси Маҳалла жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Н.АБДУЛЛАЕВ

Масъул котиб — Халқ банки бошқаруви банк филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази директори К.МАДРАҲИМОВ

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 602
8283 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA